ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1468-1474

ХИВА ХОНЛИГИ СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

Азиза Эркиновна Абдухалилова
Илмий тадқиқотчи
baxtiyorovich91@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Хива хонлиги солиқ тизими масалалари тарихшунослигига бағишланган бўлиб, XVIII асрдаги дастлабки тадқиқотлардан то ҳозирги кунга қадар Хива хонлиги иқтисодий, хусусан, солиқ масалаларини ёритган тадқиқотчилар ва улар бераётган маълумотлар яхлит, тизимли ҳолда ўрганилди.

Калит сўзлар: эсдаликлар, ҳисоботлар, солиқ, Подшо Россияси даври тадқиқотлари, совет даври изланишлари, Хива хонлари архиви, мусқақиллик давридаги тадқиқотлари.

КИРИШ

XIX асрдан бошлаб Россия империясининг Ўрта Осиёни, жумладан, Хива хонлигини босиб олиш ҳаракатларининг кучайиши ушбу ҳудудни ўрганиш учун элчи сифатида юборилган ҳарбийлар, шарқшунос олимлар ва савдогарлар сони кўпайиб бориши билан дастлабки тадқиқотлар бошлаб юборилди. Натижада улар томонидан Хива хонлигининг турли жиҳатларини акс эттирувчи эсдаликлар, ҳисоботлар ва статистик аҳамиятга эга маълумотлар тўпланди. Уларнинг баъзилари тўпланган маълумотлар асосида тадқиқот олиб боришган бўлса, баъзилари эса шахсий кузатув ва таассуротларга таяниб фикр билдиришган. Бундай тадқиқотлар даврий жиҳатдан XVIII аср охири ва XIX аср бошларини қамраб олади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XVIII асрдаги дастлабки тадқиқотларни Д.Гладышев ва геолог И.Муравин ишларида кўришимиз мумкин. Ушбу тадқиқотларда хонлик ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида, ўзлари учун нотаниш бўлган ўлка тўғрисида дастлабки маълумотларни берувчи сайёҳатчи сифатида ёндошганлиги билан характерланади. Юқоридаги муаллифларининг ишлари, гарчи улар илмий хусусиятга эга бўлмаса ҳам, хонлик иқтисодий ҳаёти тўғрисидаги баъзи маълумотларни бериб, Хива хонлиги солиқ тизимини ўрганишда яқиндан ёрдам беради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1468-1474

Бу даврга оид тадқиқотлар орасида Н.Муравьёв ва Г.Данилевскийнинг ҳарбий, иқтисодий, тарихий, этнографик, маданий ва тижорат характеридаги кўплаб маълумотларга бой ишлари ажралиб туради. Жумладан, 1819-1820 йилларда Подшо гвардияси бош штаб капитани Николай Николаевич Муравьёв хонликда яшовчи туркманлар, ўзбеклар, қорақалпоқлар хақида, хонлик шаҳарлари, аҳолиси, иқтисодий ҳаёти, жумладан, савдо-сотиқ ва солиқ тизими тўғрисида алоҳида тўхталиб, Хива хонлигидаги пул муомаласи, солиқ ислоҳоти ва ўзгаришлар ҳақида шундай ёзади: “Муҳаммад Раҳимхон 1 ўзбошимчаликни, талончиликни йуқотди, солиқ ундириш ишида доимий тартиб ўрнатиб, даромадни кўпайтирди, божхоналар ва бошка муассасаларни ташкил этди”.

1842 йилда Хива хонлигини ҳар томонлама ўрганиш учун махсус миссия билан жўнатилган подполковник Ф.И.Данилевский хонлик шаҳарлари, қишлоқлари ҳамда улардаги ижтимоий хаёт, савдо-тижорат, қишлоқ хўжалигига оид маълумотлар келтирар экан, муаллиф хонликда мавжуд бўлган тўлов ва мажбуриятларга қисман тўхталиб ўтган.

XIX – XX асрларга келиб, аксарият тадқиқотларда асосий ўрганилиш мавзуси ҳарбий юришлар ва хонликларни забт этиш масаласи бўлиб, иқтисодий ҳаёт, хусусан солиқ тизимини тадқиқ этиш асосий масала этиб белгиланмаган бўлсада, ҳарбий, сиёсий тарихни ёритиш жараёнида ушбу мавзуга ҳам тўхталиб ўтилган. Хусусан, В.Троцкий, Г.Костенко, Е.Желябужский, Ф.Лобисевич, М.Терентьев, А.Кун ишларида бу ўз аксини топган. Ушбу давр тадқиқотчиларидан 1873 йилда Хива хонлигини забт этиш чоғида қатнашган оренталист А.Л.Кун ўша вақтнинг ўзида бир нечта ҳужжатлар билан танишиб чиқади хамда ўз мақолаларида баъзи маълумотлар бериб боради. Александр Кун хонликдаги солиқлар: солғут кесма, ушр, харож, уларнинг миқдори, ер эгалиги турлари, солиқ тўловчилар тоифалари, закот ва унинг миқдори, олиш тартиблари, савдо карвонларидан олинадиган закот, божхона тўловлари, хонликнинг кўчманчи аҳолиси туркман, қирғизлар, қорақалпоқлардан ундирилган солиқлар ҳамда мажбуриятлар, закот кесма, суландли ва бошқалар хақида маълумотлар ҳам келтириб ўтади.

Хива хонлиги иқтисодий ҳаётининг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлган ер эгалиги масалаларини тадқиқ этган М.Н.Иванин, В. Бартолд, О.Шкапский асарларида ўлканинг суғориш тарихи, ер эгалиги ва ундан олинган солиқга оид кўплаб маълумотлар акс эттирилган. Жумладан, XX аср бошларида хонликка келган агроном О.Шкапский хонлик ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, ер

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1468-1474

эгалиги шакллари ва солиқ тизимини ўрганиб, бу маълумотларни “Амударё очерклари” асарида жамлайди.

XX асрда Хива хонлиги тарихига бағишланган тадқиқотлар орасида машҳур шарқшунослар Ф.И.Лобысевич, Н.И.Веселовский, В.В.Бартолд ҳамда В.А.Гиршфелд ва А.С.Галкин ишларини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Уларнинг ишлари соҳадаги кейинги тадқиқотлар учун фундаментал асос бўлиб хизмат қилди.

В.А.Гиршфелд ва А.С.Галкинларнинг статистик характердаги тадқиқот ишида Хива хонлиги солиқ тизими, солиқнинг асосий 7 тури ва уларнинг бир йиллик миқдори, солиқ йиғиш тартиблари, солиқ соҳасидаги ўзгаришлар каби маълумотлар келтирилган.

XX асрнинг 40-50 йиллар тарихшунослигида Хива хонлиги ижтимоий-иқтисодий хаёти, ер эгалиги ва солиқ масалаларини тадқиқ этган олимлардан П.П Иванов, М.Йўлдошев ларнинг ишлари Хива хонлигида солиқ масалаларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. П.П.Иванов томонидан Хива хонлари архивининг топиб ўрганилганлиги, ундаги айрим ҳужжатлар қискача тавсифланган ва 137 та ҳужжат матнидан парчалар келтирилган.

Тадқиқотчи олим М.Йўлдошев Хива хонлигида ер эгалиги ва ундан олинадиган солиқ масалаларини архив ҳужжатлари асосида ўрганиб, хонликда солиқ ва мажбуриятлар, солиқ маҳкамаларининг ташкилий тузилиши, солиқ тўпловчилар ва уларнинг тоифалари, солиқ миқдори ҳамда йиғилган солиқлар хажми тўғрисида маълумотлар беради. Жумладан, М.Йўлдошев архив материалларига асосланиб, ер солиғининг миқдори фақат унинг катта-кичиклигига кўра белгиланмаганлигини, балки ер миқдорига ва ер эгаси мансуб тоифага кўра гуруҳларга бўлинганлигини қайд этади. Аммо ушбу муаллиф ишларида совет даврига хос бўлган партиявийлик-синфийлик ёндошуви яққол кўзга ташланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хива хонлиги ижтимоий-иқтисодий ҳаётини археологик манбалар асосида ўрганган тадқиқотчи олимлар ҳам бўлиб, улардан бири Я.Ғуломов ҳисобланади. Муаллиф Амударё этакларида сунъий суғоришнинг вужудга келиши, ривожланиши, Хива хонлигининг сиёсий ва иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ бўлган ирригацион ишлар билан бир қаторда, солиқ масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб, хонликда 25 турдаги солиқ мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги маълумотни келтиради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1468-1474

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигидан кейинги давр тадқиқотчилари томонидан Хива хонлиги тарихини ёритувчи бир қатор тўпламлар чоп этилди. Улар орасида “Ўзбекистон тарихи” ва “Ўзбекистон халқлари тарихи” нашрларини алоҳида қайд этиш лозим. Мазкур асарларда Ўрта Осиё хонликлари тарихи, жумладан, Хива хонлигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид тадқиқот натижалари эълон қилинган эди. “Хоразм тарихи” деб номланган, икки жилддан иборат тадқиқот воҳа тарихи, маъмурий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолати тизими, турмуш тарзи ва маданияти тўғрисида ҳикоя қилади.

Сўнгги йилларда амалга оширилган XIX – XX аср бошларидаги Хива хонлиги тарихига бағишланган тадқиқотларда ўлка аҳолисининг ижтимоий ҳаёти, унда солиқ тизимининг ўрни масалаларига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Жумладан, С.Шодмонова Туркистон даврий матбуоти саҳифаларида банк, кредит ва солиқ тизими масалаларининг ёритилишини таҳлил қилиб, ўлкадаги молия тизими ҳолатига оид муҳим маълумотларни қайд этган.

С.Сабурова, О.Масалиева, Ш.Ғаффоров, У.Жумаев, О.Муталов, У.Абдурасулов, Ю.Рахманова ларнинг тадқиқотларида ҳам Хива хонлиги иқтисодий ҳаёти, солиқ тизими тарихи оид айрим масалалар ёритилган. О.Муталов ишида Хоразмда Оллоқулихон ҳукмронлиги даври сиёсий тарихи билан бирга ер эгалиги, солиқ масалалари, суғорилиш тизимига оид маълумотлар ўрин олган. Хивада Қўнғиротлар сулоласи даврида ер эгалиги ва солиқ масалалари тўғрисида маълумотлар тадқиқотчи С.Сабурова ишида намоён бўлади. Аммо тадқиқотчи ишида солиқ масалаларида баъзи чалкашлик(хатолик)лар учрайди. Хусусан, вақф ерларидан солиқ олинмаганлиги, солиқ турлари ва номларини келтиришда ноаниқликлар ва бошқалар.

Хива хонлиги ер эгалиги масалаларини тадқиқ этган У.Абдурасулов ишларида XVIII- XIX асрларда хонлик ер эгалиги муносабатлари ва ердан олинган солиқлар масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Шу билан бирга ер эгалиги турлари, хусусий мулк шакллари- “атойи мулк” ва “ёрлиқли мулк” ерларининг фарқли жиҳатлари, улардан олинадиган солиқларнинг ўзига хос жиҳатлари, диний муассаса ерлари-вақф мулклари, ижара шартлари ва унинг солиқ тизими каби масалалар чуқур таҳлил этилган.

Россия империясининг Туркистондаги солиқ сиёсати масаларини ўрганган тадқиқотчи У.Жумаев Россия империясининг ўлкадаги солиқ сиёсати,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1468-1474

солиқларнинг ўзгариш динамикаси, молия идораларининг ташкил топиши каби масалалар батафсил ёритилган.

Хива хонлиги солиқ тизими тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, дастлабки тадқиқотлар асосан, саййёҳлар эсдаликлари, шарқшунослар олимлар, Россия империяси амалдорларининг махсус ҳисоботлари ташкил этиб, уларда келтирилаётган маълумотлар Хива хонлиги иқтисодий тарихини тўлиқ қамраб олмай, балки бирламчи маълумот бериш билан чекланади. Чунки мазкур тадқиқотларнинг асосий мақсади хонликнинг иқтисодий хаётини империя манфаатлари юзасидан ўрганиш бўлган.Бироқ уларда хонлик аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақидаги маълумотларниўзида акс эттиргани билан аҳамиятлидир.

ХУЛОСА

XX асрда олиб борилган тадқиқотларнинг кўпчилигида солиқ тизими тарихини чуқур тадқиқ қилиш мақсад қилиб белгиланмаган , мамлакат сиёсий, давлатчилик, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини тадқиқ қилиш жараёнида солиқ масалалари доирасида ушбу жиҳатларга қисман тўхталиб ўтилганлигини кўриш мумкин. Бу давр илмий изланишларида совет даври учун хос бўлган, мафкуравий жиҳатдан долзарб мавзуга айланган хонликда солиқлардан норози бўлган солиқ тўловчилар, хонавайрон бўлган деҳқонлар ва қўзғолонга асосий эътиборини қаратганини кўрамиз. Демак, ушбу даврда яратилган асарларнинг аксариятида ўрганилган масалаларни бир ёқлама талқин қилиш устун бўлган.

Мустақиллик йилларига келиб, Ўзбекистон тарихи, жумладан, Хива хонлигининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти масалалари илк бора янгича қараш, услублар ҳамда холислик ва илмийлик асосида ёритилиши учун имконият яратилди. Натижада, шу жиҳатдан таҳсинга сазовор қатор асарлар эълон қилинди. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг кейинги даврларида, бу жараён айниқса фаоллашди, чунки тадқиқотчиларда илгари ман этилган манбалардан фойдаланишга имкон туғилди. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларда хонлик ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ муаммоларнинг кенг доираси батафсил таҳлилга тортилди.

REFERENCES

1. Поездка из Орска в Хиву и обратно, совешенная в 1740-1741 годах порудчиком Оренбургского полка Д. Гладышева и геодиста И. Муравина. М.-СПб., 1851

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1468-1474

2. Муравьёв Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. гвардейского генерального штаба капитана Николая Муравьева. – М., 1822. Ч. I-II.– С. 45, 93.
3. Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства // Записки русского географического общества. – М.,1851. Кн. V. – С. 97. [1]Пребывание русских войск в Хивинском ханстве в 1873 годы и возвращение их // Материалы для описания Хивинского похода 1873 года, составленные под редакцией Генерального Штаба генераллейтенанта В.И. Троцкого. – Ташкент, 1883. С.149
4. Костенко К. Город Хива в 1873 году // Туркестанский сборник.
5. Желябужский Е. Очерки о завоевании Хивы (с 9-картинами). – М.: Издание народного журнала «Грамотей», 1875. С.128 .
6. Лобысевич Ф.И. Описание Хивинского похода 1873 года. – СПб., 1898
7. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. – СПб., 1906. Т. I-III. С.496
8. Кун А.Л. Поездка по Хивинскому ханству в 1873 году // Туркестанский сборник. Т. 83. – С. 5-66.
9. Кун А. Заметки о подятях в Хивинском ханстве/ Туркестанские ведомости– 1873. – №32;С.125-127,
10. Бартольд В.В.К истории орошения Туркестана. – СПб., 1914. Вып. 2. С. 174
11. Шкапский О. Как хивинцы ведут полевое хозяйство на своих безводных землях. М., 1900.С.61
12. Шкапский.Аму-Дарьинские очерки. К аграрному вопросу на Нижней Аму-Дарье. Земледелие и землевладение в Шураханском участие Аму-Дарьинского.1900
13. Лобысевич Ф. И. Поступательное движение в Среднюю Азию в торговом и дипломатическом отношениях. СПб., 1900. С. 12–37.
14. Веселовский Н. И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего времени. СПб., 1877.С. 364
15. Гиршфельд В.А., Галкин А.С. Военно-статическое описание Хивинского ханства...1899-1900.Ч.2С.
16. П. П. Иванов,,Архив хивинских ханов XIX в исследование и описание документов с историческим введением” Ленинград 1940.С.18
17. Йўлдошев М.Й. *Хива* хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. Т.1959. Б.13-74
18. Ғуломов Я.Хоразмнинг суғорилиш тарихи(Қадимги замонлардан ҳозиргача). –Т.1959.Б.102

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1468-1474

19. Хоразм тарихи.1-жилд. Муаллифлар жамоаси.Масъул муҳаррир М.Матниёзов.- Урганч.1997
20. Шодмонова С. Б. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Т. 2011. Б.296
21. Сабурова С. XIX аср ва XX аср бошларида Хива хонлигининг давлат тизими.: Тарих фан. номз. … дисс. – Тошкент, 2002. Б. 207.
22. Масалиева О. XX аср инглиз-америка тарихшунослигида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари тарихи.: Тарих фан. номз. …дисс. – Тошкент, 1999. – Б.165.
23. Жумаев У.Х. Россия империясининг Туркистондаги солиқ сиёсатининг шаклланиши: асосий босқичлари ва тараққиёти.:Тарих фанлари номзоди...дис. – Т., 2012.Б.167
24. Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида.1825-1842- йиллар(Риёз уд-давла қўлёзма асари асосида).:Тарих фанлари номзоди...дис. автореферати. – Т., 2003. – Б.16-17
25. Абдурасулов У.А. Земельные отношения в Хивинском ханстве во второй половине XVIII – первой четверти XIX вв. Тарих фан. номз. …дис. – Тошкент 2008. – Б.182